

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 87 (6829)
1997 йил 8 ноябрь шанба

Сотувда эркин
нархда

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» — КЕЛАЖАК ДАРАКЧИСИ

— Норқизил Нурматович, маълумки аҳдимиз — буюк келажак куриш. Ўша келажак ёшлари бугун мактаб партасида ўтирибди...

— Тугри айтдингиз. Ҳақиқатан ҳам ҳар биримизнинг олдимизда келажакни яратиш масаласи туради. Шукурки, бу йўлда фидойи инсонлар орамизда талайгина. Шаҳримиздаги 21 та мактабнинг жуда кўпчилигидаги ҳаёт ана шундай мафтункор нафасни бериб туради. Болалар ва ўсмирлар маркази, спорт мактаби ана шулар жумласидандир. 19-гимназия, айниқса, 15-мактаб-лицейдаги билимдонлар ҳақиқий келажакимиз эгалари эканига шубҳа йўқ. Уларга ғамхўрлик курсатиш бизнинг вазифамиз. Айни шу ўқув йилида 6 та мактабнинг томи янгиланди. Қайта таъмирлаш ишлари барча мактабларда ижобий ҳал этилди. Мактаблардаги ошхоналар янги стол ва стуллар билан таъмин-

Олмалиқ шаҳар ҳокимининг Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича муовини Эшмуродов Норқизил Нурматович билан суҳбат.

лади. Худди шунингдек, болалар боғчаларида ҳам дам олиш учун ишлатиладиган курпа-тушаклари янгисига алмаштирилди. Корхона ва ташкилотлар ҳокимият қарори асосида мактаб ва боғчаларга бириктириб қўйилган.

— «Тонг юлдузи»нинг мақсади ёшларга келажак дарак-



чиси бўлиш. Аммо шаҳрингиз мактабларида унинг ўқувчи дўстлари камайиб кетганини қандай изоҳлайсиз?

— Тугри, инкор этмайман. Шароитни руқач қилиш ҳам ҳақиқатга тугри келмайди. Шаҳримизда бор-йўғи 5 та ўзбек мактаби бор ҳолос, шунингдек, 3-синфгача бўлган ўқувчилар янги лотин ёзувини ўзлаштириб бўлди.

Энди улар кирилча ёзилган сузларни ўқишда қийналишади. Лекин барибир. «Тонг юлдузи» уларники. Ваъда бераман. Ҳар бир ўқувчи ўз газетасини ўқийди!

— «Тонг юлдузи» ва унинг ўқувчиларига тилақларингиз.

— «Тонг юлдузи» орамизда, ҳеч бўлмаса, ун йиллар олдинги ҳаётни куриб яшасин. Унинг ўқувчилари эътиқоди бут инсонлар бўлиб камол топсин!

САИДОЛИМ
суҳбатлашди



«Навоий вилояти бўйича обуна умуман йўқ».

«Тонг юлдузи», 84-сон,
«Обуна кимга керак?» мақоласидан

МАТЛУБА ОПА БИЗНИ ИШОНТИРДИ

Ҳар гал иш юзасидан Навоий вилоятига йўлим тушганда албатта, мактабларга ҳам кириб чиқаман. Ўқувчиларнинг ҳамма нарсасига қизиқиши, баъзан мени довдиратиб қўядиган саволлари, ёришиб бораётган дунёқарашларидан хурсанд бўлиб кетаман. Ана шундай ўқувчиларни ким айтади газета ўқимайди, деб? Улар ўқишади, ўқиганда ҳам мағзини чақиб ўқишади.

Кеча Навоий вилояти, таълим бошқармаси бўлими мудири Матлуба опа Азизовага кўнгироқ қилдик. Опа бу вазифага яқинда ўтганликлари-ю, кела солиб ишни танқид остига олинган обуна масаласидан бошлаганликларини қайта-қайта таъкидлади. Яна улар вилоятда 368 та мактаб борлигини унда 178 минг ўқувчи таълим олаётганлигини айтиб «майли, ҳар бир мактаб газетангизга бир дондан обуна бўлади» дедилар секингина.

— 178 минг ўқувчи учун 368

дона жуда озлик қилмасмикан, — дедим усмоқчилаб.

— Ҳа, унда ҳар бир синфдан биттадан ўқувчи обуна бўла қоладида, — дедилар илож қанча дегандай қилиб.

Матлуба опанинг аниқ ваъдаларини олгандан кейин ҳам юрагимда қандайдир ишончсизлик бор эди. Яна билмадим.

Айтинг-айтинг, Афанди болаларни алдаб «хўв анави ерда ҳолва сотаяпти», деб улар югурса, уларнинг орқасидан ўзи югурганидек, ортимиздан обунани пайсалга солаётганлар ҳам югуриб қолишмаса эди.

ҲАЛИМА

25 МИНГ 500 ТА БУЛАДИМИ?

Шу кунги Самарқанд билан ҳам боғландик ва... кўнглимиз ёришиб кетди.

— Бошқарма бошлиғи уринбосари бўлиб келганимга турт ой бўлди, — деди бизга Абдума-

лик Мажидов. — Бунгача ҳокимиятда ижроия кўмиталарида фаолият курсатгандим. Менимча, маорифнинг нонини ейиш мендан катта масъулият талаб қиладиганга ўхшайди. Келиб, ўқувчиларимизнинг маънавияти билан қизиқдим. Маънавият — илм, фаросат, қобилият... демак. Ўқимини ёшлар энг аввало ўз газетасини ўқиб билимдон бўладилар. Шунинг учун айтинг, бу йил вилояти-миз ўқувчилари 25 минг 500 та «Тонг юлдузи»га обуна бўлса бўладими? 17 минг ўқувчи «Тонг юлдузи» ўқийдиган сурхондареликлардан бизнинг қаеримиз кам? Бизнинг ўқувчилар ҳам газетхон!..

Ваъдангизнинг устидан чиқингизга ишонамиз, Абду-малик ака! Ўзингиз айтганингиздек, замонамизнинг етук ижодкорлар Муҳаммад Юсуф, Собир Унарлар билан яқинда Давлат ва жамият қурилиши академиясида билимингизни ошириб, ҳақиқий ижодкорликка йўл ҳам айнан газетхонликдан бошланишига ишонгангизга биз ҳам ишонамиз.

СУННАТИЛЛА

Моҳира Содиқова:

— Биринчи чоракни аёло якунладик.

ЧУСТДАН ИККИТА ХАТ КЕЛДИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ДИҚҚАТИГА

Айни барча нашрларга обуна қизгин кетаётган шу кунларда таҳририятимиз ходимлари вилоят, туман халқ таълимларига сим қоқиб, у ерда кечаётган обуна жараёнлари билан танишиб боришни ўз зиммаларига олганлар. «Тонг юлдузи»нинг бу галги терган рақамлари Чуст тумани халқ таълимига тушди. Мулоқот халқ таълими бўлими мудири тушликка кетганлиги сабабли мудир ўринбосари Усмонжон ака Абдуллаев билан бўлди.

Биз мақсадга утиб қўя қолдик.

— Ҳа, иш олиб бораётибмиз. Мактабларда, 7-синфдан пастки синфларни «Тонг юлдузи»га обуна қилиш ниятимиз бор.

— «Тонг юлдузи» — болалар ва ўсмирлар газетаси-ку ахир...

— Унда қолган нашрларга кимни обуна қиламиз?

Биз Чустда ўтган йили «Тонг юлдузи»га бор-йўғи 125 та обуна бўлганлигини билганлигимиз учун бу йилги режалар ҳақида қизиқдик.

— Бу йил газетига 300 та обу-

на бўламиз.

— Туманингиз мактабларида қанча синф бор?

— 1300 та.

Симлар бизни алдамаётган эди. Усмонжон аканинг гапларига қараганда туман бўйича 300 та обуна бўладиган бўлса, 1300 синфнинг 300 тасига биттадан газета тугри келади, 1000 синф газета ўқишга муҳтож эмас, дегани эмасми бу?

Энг қизиги, таҳририятга келган бир йиллик хатларни сарҳисоб қилганимизда йил давомида Чуст туманидан иккитагина хат келганини, унинг ҳам биттаси адабиёт мавзусида бўлиб, хат йўллаган ўқувчининг ижодкор эканлигини аниқладик. Бу ниманинг аломати? Уйлаб қоласиз, болангиз газета ўқимаса, тугрироғи, ўқишга газета бўлмаса, газетига фикр-мулоҳаза ёзмаган ўқувчини айблаш керакми, еки ўқувчиларга обунани тугри йўлга қўймаган мутасадди ташкилотларини?

Сиз нима дейсиз, Усмонжон ака?

ХОСИЯТ

Одамлар билан доимо гавжум буладиган тоннель орқали ҳар сафар метро бекатига кириб борар эканман, уқувчилик йилларим ёдимга тушди.

...Ушанда учинчи синфда ўқирдим. Уқитувчимиз Дилором опа бизга қарата: «Болалар, бу йил шаҳримиз тарихида ажойиб янгилик юз беради, ер остидан метро утадиган бўлади», дедилар. Ушанда мен «Метро ўзи нима экан? Қувурга ухшаган бирор нарса бўлса керак-да», деб уйлагандим. Чунки уша йиллари метро Москва, Ленинград (Хозирги Санкт-Петербург) каби катта шаҳарларда бор эди, холос.

ЯПОНЛАРДАН ИККИ ҲАФТА ОЛДИН

Тез орада уқитувчимиз айтган янгилик юз берди. Уша йилнинг кузида, аниқроғи 7 ноябрь куни пойтахтимиз замани остидан биринчи ерости транспорти — метро

Бундан 20 йил муқаддам пойтахтимизда метро ишга тушган эди

23 ДАҚИҚАЛИК ЙЎЛ

Орадан йиллар ўтди. Метронинг Чилонзор йўналишини кесиб утадиган қилиб Ўзбекистон йўналиши қурилди. Бугунги кунда Чилонзор йўналишида 12 та, Ўзбекистон йўналишида эса 11 та бекат ишлаб турибди. Бу иккала йўналишнинг умумий узунлиги 30 километрни ташкил этади. Уларнинг икковида ҳам бекатларнинг бир бошидан иккинчи бошига боришда уртача 23 дақиқа сарф бўлади. Айтилик, Собир Раҳимов бекатидан Максим Горький бекатига боришга шунча вақт зарур. Бу иккала бекат эса шаҳарнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита четда жойлашган.

Йўловчилар гавжум бўлган дамларда Чилонзор йўналишида 20 та, Ўзбекистон йўналишида эса 10 та поезд составлари ҳаракатланади. Бун-

га эса буюк бобокалонимиз, шеърят мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий асарларининг рамзи сифатида қабарик суратлар ишланган. «Беруний» бекатидаги мрамор деворларга ишланган тасвирлар эса Абу Райҳон Беруний бобомиз шугулланган фанларни ёдга солади. «Ҳамид Олимжон» бекати деворларидаги куртаклар, гуллар суратлари шоирнинг «Қўлам куйчиси» дея бежиз аталмаганига кишини яна бир бор ишонтиради. «Космонавтлар» бекати эса гуё қўм-қўқ осмон, юлдузлар бағрида, оппоқ булутлар ичра учиб юргандек таассурот уйғотади.

Айни дамларда Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши қуриб битказилмоқда. У етти ярим километр узунликда, олти бекатдан иборат бўлади. Бу билан метро қурувчилар иши тугамайди: йўналишни пойтахтнинг ғарбий қисмига узайтириш иш-



Бу йўналишда «Бобур боғи», «Тўқимачилик комбинати», «Усмон Носир кучаси» бекатлари бўлади. Кейинчалик ерости қасрларини Трактор заводи, Қорақамиш, ҳатто Сергелигача узайтириш режалаш-

чининг узоғини яқин қилди. Улар орасида сиз— болажонлар ҳам борсиз, албатта. Тошкентликлар учун транспортнинг бу тури энг қулайдир. Чунки бугунги кунда пойтахтимизда ҳеч қандай транспорт, ҳатто такси ҳам шаҳарнинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига жуда қисқа вақт ичида йўловчи таший олмайди. Бу — соатига 80 километр тезликда юриш шарофатидир.

Тошкент метроси бугунги кунда кенгайиш билан бирга техник жиҳатдан тобора такомиллашиб, янгиланиб ҳам бормоқда. Хусусан, ҳаракатни автоматик усулда бошқариш, бекатлардаги сантехника ҳолати ва иқлимнинг телебошқаруви, вагонларнинг ҳаракатга тайёрлик даражасини автоматик аниқлаш тизимлари шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, метро — келажак транспортдир.

Куни кеча Президентимиз Фармони билан узоқ йиллик намунали хизматлари учун Тошкент метросини лойиҳалаш ва қурилишида иштирок этган, метрополитенда ишлаётган бир гуруҳ ходимлар ордени, медали, Фахрий ёрлиқлар ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган қурувчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган транспорт ходими» унвонлари билан тақдирландилар.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ

XXI АСРГА ОЧИЛАЁТГАН ЙЎЛЛАР

поездлари қатнай бошлади. Тантанали равишда очилган мрамрдан ишланган бекатлар, ҳаворанг тезювар вагонларни телевизор орқали томоша қилганимда метро нималигини билдим. Маълум бўлишича, Тошкент билан бир вақтнинг ўзида Япония пойтахти Токиода ҳам метро қурилиши олиб борилган экан. Лекин бизнинг метро японларникидан икки ҳафта аввал ишга туширилганди.

Айтишларича, пойтахтимизда метро ишга тушган дастлабки кунларда ҳаворанг вагонларда бирор жойга шошаётган йўловчиларга қараганда метрода «катайса» қилишга чиққанлар кўпроқ бўлган экан. Улар Чилонзор йўналишининг бир боши бўлмиш Собир Раҳимов бекатидан охири — М. Горький бекати оралиғида бир неча марта бориб-келишган бўлишса керак. Чунки бу янгилик қўчиликнинг ақлини шошириб қўйганди. Узим ҳам илк бор метрода юрганимда узга оламга келиб қолгандай ҳис қилганман. Эртаси куни мактабга келиб, метрога тушганим ҳақида синфдошларимга мактангандим.



дай пайтларда поездларнинг қатнов вақти оралиғи 1 дақиқадан сал ошади.

БЕКАТЛАР — ЕРОСТИ ҚАСРЛАРИ

Тошкент метросидаги ҳар бир бекат уз номига яраша мейморий услубда безатилган. Масалан, «Алишер Навоий» бекатига кирсангиз, аввало узингизни минг бир гўмбаз остида ҳис этасиз. Деворлар-

лари бошланади ва бунда сунгги бекат Турғун Мирзаев деб аталадиган бўлади. Метрополитеннинг учинчи навбатида Юнусобод йўналишининг охириги бекати бўлмиш «Лохутий»дан Жанубий вокзални боғлаш мўлжалланган.

тирилган. Булар албатта XXI аср ишларидир.

УЧ МИЛЛИАРД ЙЎЛОВЧИ ТАШИБ

Тошкент метроси 20 йил давомида уч миллиард йўлов-

ФЕСТИВАЛГА ҒОЛИБЛАР КЕЛИШДИ

Бугун пойтахтимиздаги Геологлар музейи Буюк Ипак йўли билимдонлари билан гавжум. Бу тантанали бадиий маросим «Солнышко» болалар газетаси тахририяти бундан етти ой муқаддам эълон қилган курик-танловда ғолиб чиққан 14 гуруҳ-жамоа шарафига ташкил этилди.

«Работи Малик» саёҳатчилар уюшмаси ташаббуси билан болалар газетаси тахририяти утказган курик-танловдан қўзланган мақсад Осие ва Оврупа қитъаларининг географияси, бу қитъаларда яшовчи халқларнинг тарихи ва маданияти бўйича ўқувчиларнинг билим доирасини имтиҳон қилиш эди. Танловда республикамизнинг жуда кўп болалари иштирок этишди. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги Улканунослик клублари, мактаб тугарақлари аъзолари топшириқларга аниқ жавоб йўллаб, уларнинг Ватанимиз тарихини чуқур билишларини намоён этишди. Бундай зўкко, қизиққон тенгдошларингиздан келган мактубларнинг энг сараларини «Солнышко» саҳифаларида ўқилингиз.

Яқинда курик-танлов ғолибларидан бир гуруҳи кўхна Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб илмий сафарда бўлишди. Қизилқўм воҳасининг табиати ва наботот олами билан танишишди. Сафар чоғида «Карвончилар» бу

қадимий шаҳарлар тараққиётида савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг тутган урнини урганишди. Ота-боболаримиз Оврупани Осие билан боғлаган карвон йўли боболаримизнинг қайси хизматлари эвазига обод бўлиб ривожлангани тарихи билан чуқурроқ танишдилар.

Изланишлар завқи, топишмалар гашти билан утган ойлар ортда қолди. Ана, Тошкентнинг гавжум Ҳадра майдонида бир гуруҳ зўкко билимдонлар билагонлар, ватанпарварлар фестивалига чиқишди. «Карвончилар» бу ерда «Карвон-92» илмий-археологик сафар қатнашчилари билан учрашиб, уларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Устозлар сўхбатидан эса усмирлар янги-янги маълумотлар билан бойиши турган гап. Улар бугун «Қолиблар» дастаси ижросидаги Буюк Ипак йўлида яшовчи халқларнинг куй ва рақсларидан завқ олади. Халқаро «Экосан» жамғармаси билан «Siemens» фирмаси ғолибларга тайёрлаб келган совға-саломларни топширадилар. Зафар кўчганлар баҳонасида уларни қўлаб келган мухлислар ҳам Очиқ Жамият институтини уюштирган тушлик сўнгида «Yo Islom» жамоа қорхонаси келтирган ширинликлардан баҳраманд бўлишлари турган гап!

Ҳа, билимли ҳар ерда ғолиб, ҳар ерда азиз! Уларнинг шарофати эса қўпчиликка татийди.

М. МУРОДОВА



Бир донишманддан сўрабдилар:

— Дунёда энг ширин нарсанима?

— Фарзанд, — деб жавоб берибди донишманд.

Дарҳақиқат, дунёда фарзанд кулгисидан тотлироқ, ширинроқ, унинг эркалиги-ю ҳатто хархашаларидан туйиб завқ оладиган яна нима бор?

...Кунларнинг бирида таҳририятимизга таприф буюрган эгизаклар руҳимизни кутариб юборди, десам муболага бўлмайди. Бир-бирига ухшаш, самимий бу чехраларда болаликнинг ташвиш билмас софлиги, чарақлаб турган кузларида гудак ҳайратлар сурати акс этарди.

— Вой, бу жужукчаларни қаранглар, — дейди завқини яшира олмай ҳамхонам.

— Қайси биринг Фотима, қайсиларинг Зухра, — яна сўраймиз.

— Мен Фотима, анаву Зухра, — дейди тишлари хонаворгина очик чехрали кизалок.

— Сизларни адаштириб юборишмайдами?

Етмиш бир ёшга кирган бувам борлар. Улар мани Фоти, Фотини Зухра, деб доим адаш-

тирадилар, — дея қикирлаб кулади кизчалар.

Бир қарашда ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирадиган бу эгиз кизчалар Фаргона шаҳридаги 25-мактабнинг 2-синфида таҳсил оладилар. Бир соат бул-

тайерлашда ёрдамлашади. Уларга уртоқларининг ҳаваси келади. Бирга мактабга боришади, бир партада утиришади. Уларнинг энг яхши курган нарсалари — шоколад.

Эгизаклар



БУЮК КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

са ҳам олдин туғилгани учунми, Фотима бир оз тетикроқ, ҳар қандай болаларча «тортишув ва жангларда» Зухрани ҳимоя қила олади. Зухра эса буюмқониятдан фойдаланади: дарсларни фақат аълога ўзлаштиради. Фотимага дарсларни

Ўз бувалари Зухраҳон ая билан келган Зухра ва Ҳасанбой Отабековлар шу мактабнинг учинчи синфида ўқишади.

— Зухра онасига, Ҳасанбой дadasига ухшайди, — дейди хола, — Зухрани ўзим катта қилганман. Умрини берсин, ҳозир

қулидан иш келиб қолди.

Айтишларича, эгизакларнинг юриш-туриши бир-бирига ухшаш буларкан.

— Мен мусиқани жуда яхши кураман, — дейди Зухра, — айниқса, Ҳусниддин, Мухрид-

дин, Насибаларнинг қушиқлари жуда ёқади.

Шундан сунг у бизга «Сумалакдан тош топдим» қушигини айтиб берди. Унинг ширали овози барчага ёқди. Зухра буш вақтларида тикиш-бичишни яхши куракан. Ҳозиргача ўз қўғир-

чоғига ёзги ва қишки кийимларни тайёрлаб булган.

Ҳасанбойнинг эса энг сеvimли машғулоти жисмоний тарбия ҳисобланади.

— Одам чайир ва соғлом бўлиши керак, — дейди у катталарга хош тарзда.

У келажакда ҳайдовчи бўлмоқчи.

Ҳа, буюк келажакимиз ворислари — бир-бирдан ширин мана бу болакайлар билан суҳбатлашиб маза қиласан. Бутун чарчоқларинг чиқиб кетгандай бўлади. Буелкадошлар музаффар ҳаёт тўлқинларида таянч бўлиб, илдам қадамлар билан келажак сари ошиқадилар.

Уларга ҳаёт ташвишларини енгишда ўз эмакдошлари елкадош бўлади.

Бизлар эгиз эдик: улуғ

елкадош,

Музаффар ҳаётда бир-бирга

йўлдош.

Ошиқамиз бахтли келажак

томон,

Йўлимиз ёритар мунаввар

куёш!

Шоҳсанам КОМИЛОВА,
Фаргона шаҳри



«Ойнаи жаҳон» — болаларга



Азиз болалар! 1997 йил 10 ноябрдан 16 ноябргача бўлган ҳафта давомида Ўзбекистон телевидениеси қуйидаги курсатувларни намойиш этади.

ДУШАНБА, 10 НОЯБРЬ.

ЎзТВ. 1-Дастур.

9.05 Тулқин. «Қайнар хумча». Йўлдош Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

13.20 «Хутиқнинг хомушлик касалига чалиниши». Мультфильм.

18.10 «Олтин тақа». Мультфильм.

20.10 «Оқшом эртақлари». Бунда болалар учун ибратли ўзбек халқ эртақлари ва мультфильмлари намойиш этилади.

ЎзТВ. 2-Дастур.

18.30 «Ёрилтош». Мульттуплам.

ЎзТВ. 3-Дастур.

18.00 «Гарри—қор одам». Теле-сериал.

ЎзТВ. 4-Дастур.

18.45 «Мульткарусель».

СЕШАНБА, 11 НОЯБРЬ.

ЎзТВ. 1-Дастур.

13.00 «Кичкинтой устахонаси».

18.10 «Доно бобо даврасида». Курсатувда Доно бобо болаларга ибратли ҳикматлар, ривоятлар сузлаб берадилар. Шунингдек сиз Доно бобонинг ажойиб топишмоқлари, тез айтишлари билан танишасиз.

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ. 2-Дастур.

18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.

ЎзТВ. 3-Дастур.

18.00 «Гарри—қор одам». Теле-сериал.

ЎзТВ. 4-Дастур.

18.50 «Мульткарусель».

18.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».

ЧОРШАНБА, 12 НОЯБРЬ.

ЎзТВ 1-Дастур.

9.05 «Гулгунчалар».

13.20 «Уч қурбақа». Мультфильм.

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ. 2-Дастур.

18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.

ЎзТВ 3-Дастур.

18.00 «Гарри—қор одам». Теле-сериал.

ЎзТВ. 4-Дастур.

18.45 Мульткарусель.

ПАЙШАНБА, 13 НОЯБРЬ.

ЎзТВ. 1-Дастур.

10.05 «Компьютер сабоқлари». Сиз компьютер орқали чой дамлаганмисиз, ёки мусиқа тинглаб, лаззатли таомлар тайёрлаганмисиз? Агар сиз ушбу юмушларни компьютерга юкланган сизга муҳайе қилади. Бунинг учун сиз ушбу вазифаларнинг алгоритмини ишлаб чиқиб, компьютерга юкланингиз керак бўлади. Навбатдаги кур-

сатувимизда сиз компьютер орқали расм чизишни бемалол урганишингиз мумкин. Бунинг учун сиз «Компьютер сабоқлари» курсатувини мунтазам куриб боришингизга тўғри келади. Курсатувни Тошкентдаги Алишер Навоий номли мактаб ўқитувчиси физика-математика фанлари номзоди, доцент, олий тоифадаги устоз, Турғун Азларов олиб борадилар.

14.05 Юсуф Азимзода. «Ёш Насриддиннинг гаройиб саргузаштлари». Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.

18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал. Курсатувда Республикаимизнинг иқтидорли укучилари ҳақида видеолавҳалар намойиш этилади.

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ. 2-Дастур.

9.00 «Болалар дунёси».

9.15 «Мультпанорама».

18.10 «Эркатой». Болалар учун дастур.

ЎзТВ. 3-Дастур.

18.00 «Гарри—қор одам». Теле-сериал.

ЎзТВ. 4-Дастур.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Мактабда дугоналарим дам олиш кунини курган курсатувларини гапириб маза қиладилар. Агар куриб бораётган булсангиз, «Омад юлдузи» экранга чиққанига оз вақт бўлди. Шунга қарамасдан бу курсатувнинг мухлислари сони кун сайин ортиб бормоқда. Курсатув на фақат болаларни, балки оила аъзоларимизни ҳам қизиқ-

тириб қолди. Қизиқарли саволлар, турли уйинлар, уйлаб топишлар томошабинларни ҳам мунозара ва баҳсга чорлайди.

Ижодий ходимлардан Дилорому Дилдора опа ва муҳаррир Наргиза опаларнинг тинимсиз изланиш-

лари, қалбимизга нур олиб киргандек бўлади. Бу чехрасидан табассум. аримас опажонларнинг узларига ҳам омад ёр бўлсин!

Азиз тенгдошлар, «Омад юлдузи»нинг доимий мухлиси булсангиз, асло афсус қилмайсиз.

Хуршида БОЙМИРЗАЕВА,
Тошкент шаҳри 248-мактаб 4-синф ўқувчиси

17.50 «Қўғирчоқбоз». Қисқа метражли телевизион фильм.

ЎзТВ. 4-Дастур.

9.25 «Шанба эртаги». «Аладдин».

10.55 «Биргаликда куйлайлик».

13.10 «Корейс тилини урганамиз».

18.45 «Мульткарусель».

21.10 Болалар сузлаганда.

ЯКШАНБА, 16 НОЯБРЬ.

ЎзТВ. 1-Дастур.

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

11.00 Цирк, цирк, цирк».

11.50 «Қувноқ стартлар».

15.30 «Болалигим — пошшолгим». Кичкинтойлар учун видеоканал. Бунда сиз боғчаларда тарбияланаётган кичкинтойлар ва бошланғич синф ўқувчилари ҳақида видеолавҳалар ва қувноқ рақс, қушиқлардан тузилган концерт дастурини томоша қиласиз.

18.00 «Иванко ва қарғалар шоҳи». Мультфильм.

18.10 «Омад юлдузи».

ЎзТВ. 2-Дастур.

9.00 «Боланинг тили».

9.15 «Ёрилтош». Мульттуплам.

18.15 «Хайвонот дунёси».

18.35 «Синфдош».

ЎзТВ. 4-Дастур.

9.00 «Хайрли тонг».

9.55 Эртақларнинг сеҳрли олами».

16.50 «Сенинг вақтинг».

18.45 «Мульткарусель».

Сиз ҳафта давомида юқоридаги курсатувларни куришингиз мумкин. Курсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни езиб туринг!

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ



Анвар учинчи синфда аъло баҳолар билан ўқиди. Шунинг учун уйдагилар унга ёзги таътилда далада дам олишга рухсат беришди. Шундай қилиб, у Заркентда, тоғасиникида мазза қилиб дам оладиган бўлди. Мана, кўпдан бери орзиқиб қутилган кўнлар ҳам етиб келди. Заркент жуда гу-

шукчаси бўлиб, у ҳар кимга ҳам дарров урганиб кетар, жуда ювош эди. У, айниқса, Зумраднинг олдида сира кетгиси келмас, доимо эргашиб юрар, унга жуда урганиб қолганди. Анвар атайлаб Зумраднинг олдида Жимитнинг думидан тортқилар, дарахт тепасига олиб чиқиб қўйиб, у ердан тушолмай қийналганини «завқ» билан томоша қилар-

лаб юборди. Анвар қилган ишидан пушаймон бўлиб, узини қуярга жой тополмасди. У бориб Зумрадни юпатгиси, кўнлини олгиси, кечирим сурагиси, иккинчи бундай қилмасликка сўз бергиси келарди-ю, лекин ҳеч ботинолмасди.

— Утган йили боғланган супурчиларнинг устига чиқиб ётган экан. Супурчиларга даланг

шаймон бўлган Анварнинг ҳам йиғлагиси келди, чидаб туролмади, югурганча кучага чиқиб кетди.

Шу пайт Зумраднинг эсига қўшнилари Хосият буви келди. У саксондан ошган, аммо ҳали ҳам тетик, билмаган нарсаси йўқ. Балки Жимитни қандай тузатишни ҳам билар? Зумрад Жимитни кутарганча Хосият бу-

Қалдирғоч

оқиб кетганини сира кўз олдингизга келтиролмасангиз керак! У бувисининг буйнидан шундай қучоқладики, бувиси:

— Вой, болагинам тушма-гур-ей, буйнимни узиб юб-рай дединг-а, — деди Зумрад-ни бағрига босиб.

Энди Зумрад Анвар бор жойга бормас, унинг олдида утирмас, ундан узоқроқ юришга ҳаракат қиларди. Анвар эса Зумраддан қандай қилиб булмасин кечирим сураш ва ярашиш йўлларини изларди.

Орадан уч кун ўтди. Анвар яқин уртоғи Баҳром билан клубга бориб, тушки соат иккида буладиган мультфильмлар тўпламига чипта олиб келди. У чиптани фақат узига эмас, Зумрадга ҳам қўшиб олди. Шу баҳона у билан ярашиб олмоқчи эди. Уйга қайтиб келди-ю, Зумрадга чипта олганини қандай қилиб айтишни ро-са уйлади. Вақт эса иккига яқинлашиб қолганди. Охири дусту Баҳромдан илтимос қилди. Баҳромнинг таклифига Зумрад:

— Бориб унга айтиб қўй! Мен у билан ҳеч қачон, ҳеч қаерга бормайман, — деб жавоб қилди.

Буни эшитиб Анвар қилмишидан яна ҳам пушаймон бўлди. Уша кунгидея тоғасига «зериқканини, уйига кетгиси келатганини» айтди.

— Нега бунча шошмасанг! Уқиш бошланганига ҳали анча бор-ку. Яна биров юратурсанг буларди, ҳадемай ханда-лаклар пинади, — дейишди уйдагилар.

Анварнинг узига қолса, уқиш бошлангунча бу ерни ташлаб кетгиси йўқ эди. Унинг бирдан «кетаман»га тушиб қолганига ҳамма ҳайрон бўлди. Бунинг сабабини фақат Зумрад биларди.

...Эртасига эрталаб Анвар тоғаси билан шаҳарга йўл олди.

Сухроб ФАЙЗ,
Тош ДД
қошидаги гимназия
ўқувчиси



зал, баҳаво қишлоқ. Қасққа қарама-анг, сулим боғлар, курки кўзни қамаштирадиган қирадирлар, тўп-тиник сойлар, анҳорлар...

Анварнинг энг қувончли кўнлари бошланди: у Одил тоғасининг кенжа қизи Зумрад билан кечгача уйнарди. Зумрад ҳам бу йил туртинчи синфга ўтган, Анвар билан унинг ёши ҳам, буйлари ҳам теппа-тенг.

Одил тоғасининг катта боғи бўлиб, у ерда турли мевалар гарқ пишиб ётарди. Яна уларнинг хилма-хил навларини айтмайсизми?

Анвар Зумрад билан боғдаги мевалардан истаганича териб ер, агар биров зерикиб қолишса, Кичик сойга қўмилишга боришар ёки овоз чиқариб қизиқарли китоблар ўқишарди. Қишлоқ клуби яқин бўлгани учун баъзан Зумрад билан бирга эрталаб ёки пешинда болаларга мос кинофильм, мультфильмларни кургани боришарди. Кўпинча тоғасига қўмаклашишар, помидор, бодринг экилган майдонларни ёввойи ўтлардан тозалашарди.

Орадан ўн-ўн беш кўнлар ўтди. Бир кун Анвар Зумрад билан ҳазиллашмоқчи, атайин унинг жигита тегмоқчи бўлди. Зумраднинг Жимит деган му-

ди. Ҳатто бир-икки марта баланд томга ҳам олиб чиқиб қўйди. Жимит томдан тушолмай роса миевледи. Шундан кейин Зумрад уни томдан ўзи олиб тушишга мажбур бўлди. Шу-шу бўлди-ю Зумрад Анвар билан гаплашмай қўйди. Жимит ҳам Анвардан қўрқадиган, уни қўрса, узини панага оладиган, қочадиган бўлиб қолди.

... Кеч кириб, қоронғи тушиб қолган эди. Ҳамма айвонга, кечки овқатга йиғилганди. Жимит ҳам шу ерда, Зумраднинг олдида айланиб юрарди. Шу пайт қасқандир Анвар пайдо бўлди-ю уни қўриб қўриқиб кетган Жимит орқа-олдига қарамай югурганча қазноққа кириб кетди. Буни Зумрад билан Анвардан булак ҳеч ким пайқамасди. Зумрад Анварга бир хўрайиб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демасди. Жимит шу кириб кетганича қазноқдан қайтиб чиқмади.

— Эртасига эрталаб Зумрад ойисининг ташвишли овозидан уйғониб кетди:

— Вой улмасам, Жимитни дори элтиб қўйибди-ку, — дерди у кўюниб.

Анвар турган ерида қотиб қолди. Тоғаси Жимитни қазноқдан олиб чиқди. У узини билмай оғзини катта очганча титраб, оёқ-қўли акашай бўлиб ётарди. Буни курган Зумрад йиғ-



сичқонга қарши заҳарли дори сепгандилар-ку. Уша дорининг уткир хиди элтиб қўйган. Қизик, ҳеч қазноққа қирадиган олати йўқ эди-ку, — дерди Зумраднинг ойиси бўлган воқеага астойдил ачиниб.

ҲИКОЯ

Зумрад нима қилишини билмай, «энди нима булади», дегандек дам Жимитга, дам ойисига тикиларди.

— Афсус, эсликкина мушук эди. Энди узига келиши, тузалиши қийин бўлса керак. Майли, хафа бўлма қизим, буниси бўлмаса, бошқа мушук топиб берамиз, — деди ойиси Зумрадни юпатмоқчи бўлиб.

Буни эшитган Зумраднинг йиғиси яна ҳам авжига чиқди. Қилган ишидан қаттиқ пу-

виникига югурди. Хосият буви билан Зумрад бир-бирларини жуда яхши қўришар эди. Айниқса, Зумрад Хосият бувининг гаплари, утмиши ҳақидаги ҳикояларини кечгача тинглаб сира туймас, бувисининг меҳри, до-нишмандлиги уни бутунлай маҳлиё қилиб қўярди.

Зумрад бувисига бўлган воқеани тушунтиргач:

— Жон бувижон, ёрдам беринг, жон бувижон, — дея қайта-қайта ёлборди.

Хосият буви Жимитни яхшилаб кўздан кечиргач:

— Куйинма, қизим, мана қура-сан, мушугинг албатта тузалиб кетади, — деб Зумрадга дала берди.

Зумрад узиди йўқ суғуниб кетди. Нега деганда, бувиси доимо ҳақ гапни айтади, унинг айтганлари албатта амалга ошади. Хосият буви уйига кириб, ярим пиёла қатиқ билан қошиқ олиб чиқди-да, Зумрадга:

— Мен оғзини очиб тураман, сен эса қатиқни қошиқлаб қуясан, — деди.

Зумрад билан Хосият буви қатиқнинг ҳаммасини Жимитга ичиришди. Орадан бир соатча вақт ўтгач, Жимит узига келди, туриб гандираклаганча юриб кетди. Буни курган Зумраднинг севинч тула юзларини, қувонганидан ҳатто кўзларидан ёш

ЧУМЧУҚВОЙ

Гала-гала келибсан,
Мевам ширин билибсан.

Нақорат

Чумчук, чумчук,
чумчуквой
Мевамни чуқима, ҳой!

Есанг сураб егин-да,
Меҳнат қадрин билгин-да!


Кузак келди, хўп бўлди
Меваларим кўп бўлди.

Нақорат

Чумчук, чумчук,
чумчуквой
Мевамни чуқима, ҳой!

Бу қўшиқни ўрганинг

Султон Анваров
музикаси,
Лутфулла Нарзуллаев
шеъри



Обуна — 98

ИШОНЧЛИ ГАП

Кеча газетамизнинг бош муҳаррири Термизга кўнғироқ қилиб, вилоят ўқувчилари орасида «Тонг юлдузи»га обуна жараёни қандай кетаётгани билан қизиқди. Шу суҳбат давомида Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Р.Турсунов айтган гапга қараганда, янги йилда бу вилоятдаги мавжуд 17 минг синфда таълим олаётган ҳамма болалар йил давомида албатта «Тонг юлдузи»ни ўқиб боришга муяссар буладилар. Мавжуд ҳар бир синфга биттадан, Сурхондарё бўйича эса 17 минг нусха «Тонг юлдузи» қўлма-қўл булади энди.

Биз бошқарма бошлиғининг бу гапига чин дилдан ишондик, негаки бу аниқ имкониятларга асосланиб айтилган гап бўлди.

Баъзи кишилардек, «алдагани бола яхши» қабилида катта ваъда бермай, гапнинг индаллосини айтганингиз учун раҳмат Сизга, муҳтарам Рузибой Раппилович!

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадаҳон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0592.
10960 нускада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босингга топширилган вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Маъзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25